Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
10 октябрь
ЧОРШАНБА

№ 81
(12.509)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб бўлди. Юртимизга ёруғ юз билан қайтган спортчиларимизни Тошкент халқаро аэропортида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, футбол жамоатчилиги, журналистлар, ота-оналар ва мухлислар тантанали кутиб олди.

championat.uz

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди тарбияланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари, футбол мактаблари ва академиялари фаолиятининг замон талабларига мос йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлаётир.

Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш – доимий эътиборда.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг кетма-кет икки маротаба – 2010 йили Тошкентда, бу йил Теҳронда ўтган футбол бўйича Осиё чемпионатида финал учрашувида иштирок этгани ва жаҳон чемпионатларига йўлланма олгани болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган аниқ дастурларнинг ҳаётий самарасидир.

2013 йили Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этиладиган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи ягона турнир – Осиё чемпионатида қитъамизнинг 37 терма жамоаси ФИФА ажратган тўрт йўлланма учун баҳс олиб борди. Саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтган 16 терма жамоа Эрондаги қитъа чемпионатининг финал қисмида тўп сурди. "D" гуруҳида Ҳиндистон, Хитой ва Сурия ўсмирлар терма жамоалари билан рақобатлашган ёш футболчиларимиз тўрт очко билан чорак финалга чиқди.

Чорак финалда ҳамюртларимиз чемпионликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган Жанубий Корея футболчиларини пенальтилар сериясида енгиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

(Давоми 4-бетда).

МАЪНАВИЯТ

Ёшлик... Инсон умрининг гултожи – ҳаёт аталмиш неъматнинг энг ёрқин саҳифаси. У – бир қарашда асов дарё, шиддатли бўрон, қудратли тўлқин. Унинг йўлларида гуллаган боғу бўстонлар, жўшқин ҳаётнинг тотли мевалари етилиши ва аксинча лоқайдлик, ношудликнинг аччиқ, тахир оқибатлари бўй кўрсатиши табиий. Зеро, ҳар мақсаднинг ҳосили ният ҳаракатнинг мазмун-моҳиятига боғлиқ. Бу борада аввало маънавий оламнинг тўкислиги энг зарур омилдир.

ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚ, ОДОБ ВА КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ

Мамлакатимизда айнан ёшлар таълим-тарбиясига берилаётган катта эътибор Мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги йўлидаги эзгу мақсадларга пойдевордир. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида таъкидланганидек, келажаги порлоқ мустақил Ватанимиз таянчи ва ишончи бўлган ёшлар маънавияти муҳим аҳамият касб этади:

"Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади".

Демак, ёшларимиз ўз билим, куч ва истеъдодини аввало Ватан равнақи, юрт ободлиги, эл омонлиги йўлига бахшида этар экан, уларни юксак маънавият эгаси дейишга ҳақлимиз.

Табиатан эркинлик, яратувчиликка мойил ёшларга мустақиллик беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. Аммо, озод ва эркин яшашнинг ўзига хос хусусияти ҳақида Президентимиз айтган сўзларини келтириш ўринли: "Биз учун мустақиллик ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир".

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» МИЛЛИЙ ФОРУМИ ВА КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан 2012 йил 10-12 октябрь кунлари "Ўзэкспомарказ" марказий павильони ва Халқаро бизнес марказида "Ўзбекистон матбуоти" II миллий форуми ва кўргазмаси ўтказилади.

Мазкур анжуманлар Президентимиз Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу йўналишда иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан миллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан маълум қилишларича, 1994 йилда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари сони 475 тани ташкил этган бўлса, ҳозиргача уларнинг сони 1292 тага етди. Уларнинг 514 таси нодавлат босма нашрларидир.

Кейинги ўн йилда босма оммавий ахборот воситалари сони икки маротаба кўпайди. Бугунги кунда мамлакатимизда 715 тага яқин газета, 263 журнал, 4 ахборот агентлиги фаолият юритмоқда.

"Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва кўргазмасининг муҳим вазифаларидан бири мамлакатимизда фаолият юритаётган барча медиа ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали миллий ахборот маконини жадал ривожлантириш, фуқаролик жамияти ривожига кўмаклашишдан иборат.

Форум ва кўргазмада марказий ва ҳудудий нашрларнинг раҳбарлари, матбаа корхоналари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади.

Халқаро бизнес марказида ўтказиладиган форумда ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини ривожлантириш, Ўзбекистон мисолида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимизда мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш каби долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

"Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва кўргазмаси доирасида "Йилнинг энг яхши китоби" миллий кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

ЎзА.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил тараққий топиши, уларнинг эркинлиги ва мустақил иш юритишини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада янги босқични бошлаб берди. Унда қайд этилганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Маълумки, тараққиётнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада кучайтириш, шубҳасиз, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим омил ҳисобланади. Буларнинг барчаси аҳоли турли қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини акс эттирадиган фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вазифаларини изчиллик билан кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Бу жараёнда, айтиш мумкинки, парламент фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Олий Мажлис Сенати қўмиталари тасдиқланган режаларга мувофиқ, қонунлар ижросини, шу жумладан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни мамлакатимиз ҳудудлари, шу билан бирга, тегишли вазирлик ҳамда ташкилотлардаги ижроси бўйича назорат-таҳлил жараёнларини мунтазам олиб бормоқда. Ўрганиш натижалари Сенат қўмиталарининг жойлардаги мажлисларида манфаатдор субъектлар, биринчи навбатда, ҳудудлардаги депутатлик корпуслари иштирокида кўриб чиқилмоқда.

Шу асосда муҳокамалар ташкил этилиб, нафақат жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасида олиб борилаётган ишларнинг мавжуд ҳолати кўриб чиқилмоқда, балки уларни янада яхшилаш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Бунга "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган ва Жиззах вилоятларидаги ижроси ўрганилгани ҳам мисол бўла олади. Мазкур вилоятларда мамлакатимизнинг бошқа барча ҳудудларидаги каби фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда Наманган вилоятида 350 та, Жиззах вилоятида 348 та ННТ мавжуд. Улар экологияни яхшилаш, болалар, аёллар ва ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш, аҳолига ҳуқуқий кўмак бериш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш авлоднинг касбий маҳорати ва экологик саводхонлигини ошириш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга биноан, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилайди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин. ННТ қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган ҳолда амалга ошириши мумкин. Улар ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бермайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмайди. ННТ фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш тақиқланади.

Бинобарин, ушбу ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қўшма қарори асосида парламент ҳузурида ташкил этилган Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди ҳамда ушбу Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ННТнинг устав фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Парламент комиссияси таркибига ННТ ва жамоат ташкилотларининг бир қатор вакиллари, депутатлар, молиявий ташкилотларнинг масъул ходимлари киритилган.

Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтлари, энг авало, ННТ ҳамда ушбу жараённинг фаолиятини ташкилий, техник, иқтисодий томондан мустаҳкамлашга йўналтирилган Давлат бюджети маблағларининг тўғри тақсимланишини, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлайди. Бунга юқорида номи қайд этилган ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ҳам мисол бўла олади.

Жумладан, ўтказилган грант танловларида Наманган ва Жиззах вилоятларидан иштирок этган 146 та ННТнинг 36 таси ғолиб, деб топилди ва умумий қиймати 366,9 миллион сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди. Пировардида уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, 52 та замонавий компьютер, 11 тикув машинаси, 50 та мебель жамланмаси сотиб олинди.

(Давоми 3-бетда).

2013
йил учун

ОБУНА
бошланди.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси
индекси – 205.

ПАХТА – 2012

ХИРМОН ТЎЛА «ОҚ ОЛТИН»

Чиноз тумани фермерлари бу йил ҳам ўз анъаналарига содиқ қолиб, давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартномасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.

Халқимиз жуда топиб айтган: "Қозонда бўлса, чўмичга чиқади". Бугун ушбу мақолни пахтачиликда ҳам қўлласа бўлади, деб ўйлаймиз. Масалан, "Далада бўлса, хирмонга уюлади" қабилида.

Гапни ортиқча чўзмай, индаллосини айтадиган бўлсак, чинозликлар, беистисно, ҳамма пахта майдонларида мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олишган. Бунга кўп йиллардан бери гувоҳмиз. Аммо, "Далада эмас, хирмондаги ҳисоб" деган гап ҳам бор. Чинозликлар буни яхши тушунишади ва қатъий амал қилишади. Яъни эрта кўклам ерга чигит қадашдан бошлаб, ҳосил пишиб етилгунга қадар бўлган барча агротехник тадбирларни вақтида ва маромида бажариб, таъбир жоиз бўлса, далани оқ кўрпага буркаб, сўнг уни қисқа муддатда йиғиштириб олишнинг эвини қилишади. Бир сўз билан айтганда, жараён узилишларсиз давом этади. Айниқса, йиғим-терим бошланиши билан бир ёқадан бош чиқариб, биринчи кундан сўраётган қанот бағишлашади. Дарвоқе, Чиноз вилоятнинг энг юқори ҳосилли тумани экани бежиз эмас.

Аммо, бу айтишга осон. Амалда эса ҳар йили янги куч-ғайрат, янгича ёндашув, интилиш, изланиш ва ташаббус талаб этилади. Лекин бу чинозликлар учун муаммо эмас. Улар аллақачондан бери шундай ишлашга одатланишган. Жумладан, ҳосилнинг 75-80 фоизи пишиб етилгандан сўнг оммавий теримни бошлашади. Бу эса кунлик суръатнинг энг юксак даражада бўлишини таъминловчи бирламчи шарт. Туманда бунга эришиш учун олдиндан йиғим-терим отрядлари тузилиб, зоналарга бўлинади. Теримда иштирок этадиган барча қўл кучлари, транспорт воситалари уларга бириктирилади. Куннинг ёруғ дамларидан унумли фойдаланиш мақсадида теримчиларга кўрсатиладиган барча хизмат турлари бевосита дала бошларига кўчирилади.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: «Мирсобир ота» фермер хўжалиги раҳбари Мирфаррух Собиров (ўнгдан иккинчи) аъзолар билан.

ПАХТА – 2012

ХИРМОН ТЎЛА «ОҚ ОЛТИН»

Йиғим-теримда қатнашаётганларнинг беш кунликлар якуни бўйича иш ҳақлари ҳам хирмон бошида тарқатилади. Энди бу нафақат моддий, балки руҳий рағбатлантириш ҳамдир. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун айтиш жоизки, теримга ҳақ тўлаш ва илғорларни рағбатлаш мақсадларига кечаги кунгача 310 миллион сўм сарфланди.

Албатта, Чиноз туманининг 20 минг 25 тоннадан зиёд пахта хирмони заминида барча фермер хўжаликлари аъзоларининг эрта кўкламдан буён қилган сидқидил меҳнатлари ётибди. Аммо, алоҳида тилга олса арзийдиган илғорларнинг илғорлари ҳам борки, контрактация шартномаси қисқа муддатда ортиғи билан адо этилган шу қувончли дамларда уларнинг номларини қайд этиш жоиздир. Гап шундаки, эндиликда туманда ўзига хос катта карвон фермер хўжаликлари шаклланиб етилди. Шулардан энг йириги "Муқимий" фермер хўжалигидир. Муқимжон Эр-

хўжаев бошлиқ 108 аъзодан иборат аҳил жамоа бу йил 184,3 гектар ерда мўл ҳосил етиштирди ва сентябрнинг сўнгги кунларида қабул пунктларига 585 тоннадан зиёд юқори нав хом ашё топшириб шартномани анча ортиғи билан бажарди.

– Шартномага қўшимча яна 200 тонна пахта бериб, умумий ҳосилдорликни 42 центнердан оширишни режалаштирганмиз, – дейди фермер Муқимжон Эрхўжаев. – Далаларимизда ҳали ҳосил мўл, шу боис терим суръатини бўшаштирмаймиз.

Шунингдек, "Кожакент", "Агманов С.", "Гуломов Миркомил" каби йирик фермер хўжаликлари ҳам туман хирмонига 270-280 тоннадан пахта тўкиб, умумий ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. "Усмонобод", "Ҳусанов Бозорбой", "Гулруҳ Нур файз", "Саидаҳмедов Ҳамид" каби йирик фермер хўжаликларининг умумий ғалабага қўшган улуши баракали бўлди. "Ҳикматилла Йўлдошев", "Ҳур ўлка файз", "Орипов Тўрахон", "Умид", "Қулаҳмад ота" каби фермер хўжаликлари гектаридан 35-45 центнердан хирмон уйиб, энг юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Туман пахта штабидан олинган маълумотларга қараганда, кечаги кунни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, қабул пунктларига режадаги 20 минг 25 тонна ўрнига 20 минг 300 тоннадан зиёд сифатли пахта хом ашёси етказиб берилди.

Шартнома мажбурияти ортиғи билан бажарилган бўлсада, чинозликлар теримни қизғин давом эттиришмоқда.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Ишонч-Ҳосил-Барака» фермер хўжалиги раҳбари Нурғали Норхўжаев; «Шерзод Тўрақул» фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Тўраев ва ҳисобчи Камолиддин Эрназаров.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАЪНАВИЯТ

ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚ, ОДОБ ВА КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ

Демак, нафақат ёшлар, балки ҳар бир фуқаро миллий манфаат ва қадриятларимизни муҳофаза қилишга бурчлидир. Маънавият тушунчасининг асосий маъноси ҳам шунда. Аммо бу тараққиёт омилларидан бўлган замонавийлик, дунёвий илм, фан, маданиятни четлаб ўтиш дегани эмас. Фақат, "Эркинлик – истакларни жиловлаш натижасида эришиладиган энг олий неъмат" (Эпикур) эканлигини унутмаслик ҳам маънавиятнинг белгиси. Акс ҳолда...

– Ўғлим сўзимга кирмай қўйди, – дея зорланди бир аёл. – Емай едирдим, киймай кийдирдим, оғзидан чиққанини муҳайё қилдим, энг "модний" кийимни биринчи бўлиб ўғлим кияди. Ҳатто, қулоғига сирға, бўйнига тилла занжир ҳам олиб берганман. Ўзи коллежни бир амаллаб битирди. Бу ёғига бекорчи. Ишлагиси йўқ. Ҳатто, уй ишларига ҳам қарамайди. Ўртоқлари билан сандироқлаб, уйга ярим кечаси келади...

Эътибор қилган бўлсангиз асосий вақти бозорда, чет элларда савдо-сотиқ билан ўтадиган ёлғиз онанинг сўзлари ушбу ҳолатнинг сабабини изоҳлаб турибди.

Шу ўринда яна бир воқеа тафсилоти. Бекатда одам гавжум. Ҳамманинг нигоҳи бир нуқтага қадалган. Бу кўзларда ҳайрат ва нафрат қоришиқ, лекин ҳеч ким лом-мим демайди. Табиатнинг ўзи расо қилиб яратган бир "ҳурлиқо" деярли ярим яланғоч ҳолда елкалари, сийналари, болдиру тиззалари очиқ. Аммо қулоқ, бўйин, ҳатто киндикқача алламбало тақинчоқлар тақиб олган. Ёнида худди ўзига ўхшаб "қийқириқ" модада кийинган йигитча: майка, йиртиқ-йиртиқ жинси шим, баданининг очиқ жойларига турли расмлар чизилган (татуировка). Гўё ҳеч кимни пайқамаётган бу икки ёш бир-бирига ёпишиб, ялаб юлқашдан ҳам орланмайди. Бир отахон ўзига ўзи сўзлаётгандек: "Шуларни ҳам ота-онаси ё акаси, опаси бормикан?" деб қўйди...

Балки бордир. Ҳар ҳолда уларнинг соғлом оилада тарбияланаётганига ишониш қийин. Бу ҳам "оммавий маданият"нинг бир кўриниши бўлса, эҳтимол. Балки, уларнинг наздида "маданиятли"ликдир бу. Тўғри, кийиниш, юриш-туриш борасида ҳаммага бирдек талаб қўйиш ноўрин. Кексаларнинг дунёқараши ёшларникига нисбатан вазминроқ, ёшлар эса замондан ортда қолмаслиги керак. Замонавийлик ҳам ақлан етуклик, баркамолликнинг белгиси. Тўғри-да, юзи-кўзи ўралган, тўпиққача чўваланиб турадиган либослар қайда-ю, чиройли тикилган, хушбичим, гавдага ярашиғли кофта-юбка, костюм-шимлар қаёқда! Ахир, одамнинг ташқи кўриниши, кийиниши, юриш-туриши унинг ички дунёси, маънавий оламининг инъикоси.

– Ёшларга кўзгуга кўпроқ боқишларини маслаҳат бераман, – дейди алломалардан бири Суқрот. – Токи уларнинг хушсуратлари ўз ҳуснларини шарманда этмасинлар...

Демак, ҳамма замонларда ҳам янгиликка, замонавийликка интилган қони қайноқ ёшлар ҳар доим ҳам меъёр, мезон тушунчаларини англаб етавермаганлар. Нима бўлганда ҳам "ақлли, ахлоқли ва адолатли бўлмай туриб кўнгилдагидек яшаб бўлмаслиги ва аксинча кўнгилдагидек яшамай туриб, ақлли, ахлоқли ва адолатли ҳаёт кечириб бўлмаслиги"ни уқтирган ўрта аср файласуфлари ҳам ақл, одоб-ахлоқ, инсофу адолат инсонга зийнат эканлигини таъкидлашган. Зеро, сурат сийратнинг ифодачиси, сийрат (ички дунё) эса суратга қўриқчи деса ҳам бўлар. Шу маънода ён-атрофидагиларга малол келмайдиган либосларни танлаб кия олиш, ҳар жойнинг пасту баланди билан ҳисоблашиш донолик, эзгулик белгиси дейиш мумкин. Шунингдек, ўз ахлоқи, одоби, ташқи кўриниши билан одамларга яхши кайфият бағишлаш ҳам эзгулик саналади.

Умуман олганда, халқимизга хос миллий қадриятларимизи, эзгуликка йўғрилган улуғ инсоний фазилатлар ўзгаларнинг ҳавасини келтириши бор гап. Акс ҳолда ўзларини дунёда энг маданияти ривожланган, "цивилизованный"ликни даъво қиладиганлар ҳам жаҳон халқларини ўйлантириб қўйган "оммавий маданият"нинг мудҳиш оқибатларидан ташвишга тушмаган бўлишарди. Ҳар ҳолда бизда саҳнага юзсизларча ярим-яланғоч чиқадиган беномус хонандаларга мукофот берилмайди. Бокиралик, ҳаё, иффатнинг қадри ерга урилмайди.

Тўғри, Ғарб маданиятига тақлид қилувчи, ўзини ўта замонавий кўрсатишга интилувчи дид-фаросати ҳаминқадар ёшларимиз йўқ эмас. Аммо, истиқлол неъматларини юксак қадрловчи, миллий-маънавий қадриятларимизни ардоқловчи одоб-ахлоқли, билимдон ёшларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улар маънавий барқарор, соғлом оила, маҳалла, мактабларда тарбия топиб, вояга етмоқда. Камтарин, самимий, ҳар томонлама етук, баркамол ёшлар юртимиз, элимиз фахри, қувончи, мамлакатимиз таянчи. Улар орасидан келгусида Ўзбекистонни дунёга машҳур этувчи илм-фан, маданият, санъат арбоблари, тадбиркору ҳунармандлар етишиб чиқиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

"UZBEKISTAN AGROTECHMASH EXPO – 2012" ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ОЛДИДАН

ФЕРМЕРЛАР МАМНУН

Президентимиз раҳнамолигида фермер хўжаликларини замонавий техника билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қишлоқ хўжалиги ишларининг самарадорлигини оширмоқда. Фермер хўжаликлари ўз даромади ва банк кредитлари ҳисобидан энг янги техника воситаларини харид қилаётир.

"ЎзКейсмаш" ва "ЎзКейстрактор" Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхоналарида ана шундай харидоргир техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур корхоналарда "New Holland TL100", "TS135" тракторлари ва "Case IH 1200" сеялкалари тайёрланмоқда. Мижозларга буюртма асосида "Case IH Puma", "Magnum" тракторлари, кўпфункцияли "B90B" юкловчи-экскаватор ва "E215B" русумли экскаваторлар ҳам етказиб берилаётир.

Бу техника воситалари юқори сифати ва унумдорлиги билан соҳа вакилларига манзур бўлаётир. Мисол учун, "Case IH 1200" универсал сеялкаси пахтакорлар учун ҳар томонлама қулай ва самарали. Ер сифатли тайёрланган бўлса, соатига 13 километргача тезликда ҳаракат қила олади. Тезлиги қанчалик юқори бўлмасин, чигит аниқ ва сифатли экилади. Уруғлик чигит солинадиган бункерлари ҳажмининг анча катталиги вақт ва ёнилғини тежаш, суткасига 100 гектар майдонга чигит қадаш имконини беради.

Бундан ташқари, мазкур универсал сеялка воситасида маккажўхори, мош, кунгабоқар, соя, лавлаги каби кўплаб экинлар уруғларини ҳам экиш мумкин. Ушбу ускуна юртимизнинг тупроқ-иқлим шароитига мос тарзда икки ўлчамда – қатор оралиғи 60 ва 90 сантиметрли қилиб тайёрланмоқда. Яна бир афзал жиҳати – уни бошқа тракторларга ҳам тақиб ишлатиш мумкин.

Фермер хўжаликлари ва машина-трактор парклари замонавий техника воситаларига талаб ортиб бораётгани корхоналарни янада юқори суръат билан ишлашга ундамоқда. 2011 йилда 20 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 16 миллиард сўмни ташкил этди.

Истеъмолчиларнинг талаб ва истаклари асосида техника воситалари ҳар жиҳатдан такомиллаштирилмоқда. Бунинг самарасида культиватор, ҳайдов трактори ва юкловчи-экскаваторларнинг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирда "B90B" русумли юкловчи-экскаваторни тўлиқ маҳаллийлаштириш устида иш олиб бориляпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида қўшма корхоналарда тайёрланаётган асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш даражаси 37-38 фоизга етди. Жумладан, "New Holland TL100", "TS135" тракторлари ҳамда "Case IH 1200" сеялкаларининг кабинаси ва бир қатор эҳтиёт қисмларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яқин истиқболда Маҳаллийлаштириш дастури асосида яна бир қанча детал ларни тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Корхоналарда тайёрланаётган техника воситалари юртимизнинг барча ҳудудларига етказиб берилиб, эҳтиёт қисмлар ва сервис хизмати билан тўлиқ таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 4 сентябрдаги қарори билан ташкил этилган "Ўзкейссервис" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш, уларга эҳтиёт қисмларни етказиб бериш борасида самарали фаолият юритмоқда.

Хизматларнинг таннархини камайтириш мақсадида корхоналарга солиқлар ва тўловлар борасида бир қатор имтиёзлар берилган. Корхонада ташкил этилган ўқув марказида ходимлар малакаси оширибборилади. Бу соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиликларни тез ўзлаштириш ҳамда амалиётда самарали қўллаш имконини бермоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институтини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Адлия вазирининг ўринбосари Қ. Тоғаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оила институтини ҳар томонлама ривожлантиришга, хусусан, оиланинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида бу қоида ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимиз Оила кодексида оила муносабатларини тартибга солувчи қоида ва нормалар ўз ифодасини топган. Унда болаларнинг оиладаги ҳуқуқлари ва ота-оналарини моддий таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим ҳаётий масалаларга кенг ўрин ажратилган.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда "Оила институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасида Оила кодексида тартибга солинмаган масалалар қамраб олинган.

Матбуот анжуманида оила қонунчилигидаги янгиликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

САЙТНИНГ ЯНГИЧА КЎРИНИШИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янгича дизайндаги, кенг имкониятларга эга расмий веб-сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.

2012 йил февраль ойи ҳолатига кўра "Уз" миллий домени худудида рўйхатга олинган интернет-ресурслар сони олти мингтани ташкил этган бўлса, 8 ой мобайнида уларнинг сони 6129 тага етди. Миллий домен 13 та бўлимни ўз ичига олган бўлиб, улар ичида давлат бошқарув органлари бўлими алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу бўлимда давлат ташкилотларининг 147 та расмий веб-саҳифалари жамланган. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси – WWW.wcu.uz сайти ҳам ана шу бўлимга киритилган.

"Туркистон-пресс".

ЙИЛНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИ БОР

Ҳаётимизга глобаллашув жараёни шиддат билан кириб келаётган даврда яшаяпмиз. Ҳар нарсанинг икки тарафи бўлгани каби глобаллашувнинг ўзига яраша салбий томонлари бор. Бунга маънавий ва ахлоқий тубанликни ўз ичига олган "оммавий маданият"ни мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг айниқса, ёшлар ҳаётига таъсири кучаяётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда.

"Оммавий маданият"нинг зарарли таъсирларидан ёшларни ҳимоя қилиш, глобаллашув шароитида кучайиб бораётган маънавий таҳдидларга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари иҗодий уюшмаси, "Туркистон" ва "Молодёжь Узбекистана" газеталари ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ходимлари, Матбуот ва ахборот агентлиги, "Камолот" ЁИҲ, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вакиллари, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

"Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни: ютуқ ва муаммолар" мавзусида ўтган тадбирда "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатаётган иллатга қарши кураш хусусида сўз борди. Шунингдек, тобора кўпайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар ОАВлари зиммасига жиддий масъулият юклаши қайд этилди.

"Туркистон", "Молодёжь Узбекистана", "Тонг юлдузи", "Гулхан", "Ёшлик", "Гунча" каби қатор газета-журналлардаги ёшлар тарбиясига қаратилган материалларнинг мазмун-мундарижаси, долзарблигини янада ошириш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбир сўнгида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Ирода МАҚСУД қизи.

Гиёҳвандлик домига тушган инсоннинг ундан халос бўлиши мушкул. Шу сабаб ёшлар орасида гиёҳвандликнинг ачинарли оқибатлари, қолаверса унга тобе бўлиб қолишдан сақланиш каби долзарб мавзуларда анжуманлар, суҳбатлар ўтказиш, профилактика ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУЧ

Ёшлар ҳар қандай янгиликка қизиқувчан бўлиши боис, уларнинг салбий иллатларга берилиши ҳам нисбатан осонроқ. Маълумотларга кўра, гиёҳвандликка берилиш асосан 11-17 ёшлилар орасида кўпроқ кузатилар экан. Оғуга ҳам жисман, ҳам руҳан тобе бўлган инсон нафақат ўзини, балки бошқаларнинг ҳам ҳаётини заҳарлашга қодир. Яъни битта гиёҳванд бир ҳафта ичида ўн нафар кишини мазкур иллатга жалб этиши мумкин.

Республика Эстрада-цирк коллежида намойиш этилган "Оқ оғунинг қора қилмиши" номли спектакль ҳам ана шу иллатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди. Коллежнинг "Эстрада актёрлиги санъати" бўлими 3-босқич талабалари томонидан саҳналаштирилган спектакль йиғилганларга катта таассурот қолдирди.

"Туркистон-пресс".

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси вилоят аҳлини узлуксиз газ билан таъминлаш мақсадида махсус режа асосида иш олиб бормоқда. Корхонанинг филиаллари балансида 12 минг 263,65 км. газ қувурлари бор. Уларнинг 3048,61 км. ер остида, 9215,07 км. ер устида жойлашган. Мавжуд газ қувурларининг барчаси кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Ўтган 9 ой давомида вилоятда жами 513 минг 916 та хонадон газлаштирилди. 32 минг 195 та хонадон суюлтирилган газ билан таъминланди. Шунингдек, 725 та саноат, 13 минг 249 маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳам табиий газ етказиб берилди.

Бундан ташқари, 14,4 км. узунликдаги қувурлар мукаммал таъмирланди. 4,2 км. қувурлар реконструкция қилинди. 123,1 узунликдаги қувурлар эса бўялди.

Паркент туманининг Заркент қишлоғи ҳамда Красногорск шаҳридаги аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2012-2013 куз-қиш мавсумида узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида тузилган режага асосан "Ўзтрансгаз" АК газ тақсимлаш станцияси қурилишини тезлаштирмоқда. Бўстонлиқ тумани Абай, Қўшқўрғон, Қорамозор, Эмбек қишлоқлари ҳудудида аҳолини табиий газ билан бир маромда таъминлашга қаратилган ишларни қиш мавсуми бошлангунга қадар якунига етказиш режалаштирилган.

Вилоятдаги барча табиий газ истеъмолчиларини куз-қиш мавсумида узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида унитар корхона филиаллари балансида бўлган юқори ва ўрта босимли газ қувурларни лойиҳавий босимга кўтариб, синовдан ўтказиш вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган жадвалга асосан бажарилди. Синаш мобайнида аниқланган газ сизиб чиқиш ҳолатлари қисқа муддатларда бартараф этилди.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҚОНУНБУЗАРЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган тамаки маҳсулотларининг яширин олиб ўтилишига оид бир нечта қонунбузарлик ҳолатлари фош этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуни тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу қонун фуқароларнинг, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилмоқда.

Афсуски, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига путур етказадиган айрим омиллар ҳам борки, улардан бири тамаки маҳсулотларини ноқонуний тарзда олиб ўтиш билан боғлиқдир. Масалан, қинғир йўллар билан мамлакатимизга олиб кирилган тамаки маҳсулотларининг мавжуд қонунчилик талабларига мос ҳолда қадоқланганлиги, шунингдек, уларни тарқатиш ва истеъмол қилишда амалдаги қоидаларга риоя этилишига ҳеч қандай кафолат мавжуд эмас.

Эътибор беринг, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, чекишнинг зарарли оқибатлари туфайли дунёда ҳар йили 5 миллион одам оламдан ўтади. Шу боисдан, тарқибида 4 мингдан ортиқ заҳарли моддалар бўлган тамаки маҳсулотлари соғлиқни сақлаш идораларининг огоҳлантиришлари қайд этилган ҳолда қадоқланади. Тан оламизми-йўқми, тамаки қутиларида чекишнинг саломатликка зарари хусусидаги огоҳлантиришлар аччиқ ҳақиқат ҳисобланади.

Амалдаги тартибларга биноан мамлакатимиз ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий чекланган нормаларига кўра, жисмоний шахслар фақатгина 10 қути тамаки маҳсулотларини республикамиз ҳудудига олиб киришлари мумкин. Аммо, айрим "кашанда"ларни бу меъёр қониқтирмаётган кўринади.

Шаржадан қайтган пойтахтлик С. Баратов ва А. Казакбаевлар эса "Parliament"нинг ашаддий "ишқибози" чиқиб қолишди. Акс ҳолда, қиймати 2,1 миллион сўмдан ортиқ салкам 900 қути сигаретларни божхона баённомасида ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилишни "унутишмасди".

Шунингдек, тамаки маҳсулотларини яширин равишда чакана тарзда "экспорт" қилишга уринаётган фуқаролар ҳам учраб турибди. Масалан, "Тошкент-Аэро" ИБК ходимлари томонидан яқинда аниқланган 5 та қонунбузарлик ҳолатида Истамбулга отланган фуқаролар Ф. Алимова, Д. Олимов, Р. Сотиболдиев, М. Аҳмедова ва М. Турсунходжаевалар қиймати салкам 2,5 миллион сўмлик 4 турдаги 1440 қути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ, "Туркистон-пресс".

божхоначиларнинг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишга уринишганида тўхтатиб қолинди.

"Тошкент-Бангкок" йўналишида парвозга отланган каттақўрғонлик Ш. Раҳматованинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, ушбу фуқаро қиймати 500 минг сўмлик 4 турдаги 200 қути тамаки маҳсулотларини яширин равишда олиб чиқишга уринган фош қилинди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Тошкент-Аэро" ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 21 та қонунбузарлик ҳолатларида салкам 29,5 миллион сўмлик 6400 қути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳудудларда лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши натижасида ижтимоий кўмакка муҳтож 486 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди.

Шунингдек, ушбу ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотларига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тегишли амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган. Бошқача айтганда, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари иш режасидан ННТнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини амалга оширишини модий-техник ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам ўрин олган. Масалан, ўтган йилнинг ўзидаёқ, Наманган вилоятида 26 та ННТ маъмурий бино билан таъминланди. Жиззах вилоятида эса ҳамкорликдаги ҳаракат дастури доирасида аҳолининг тегишли ижтимоий қатламлари билан ишлашни фаоллаштиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижроси ўрганилган Жиззах ва Наманган вилоятларида, қолаверса, бошқа ҳудудларда ҳам айрим хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Чунончи, баъзи ҳолатларда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, раҳбарларининг ҳуқуқий билимини ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаган.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш ва ННТ фаоллигини ошириш, албатта, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимизнинг 2005 йил 23 июндаги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чоратадбирларига оид қарорида мазкур устувор вазифаларни амалга оширишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилган.

Ушбу муҳим ҳужжатда мустақил, барқарор, аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган ва халқ орасида чуқур илдизларига эга бўлган турли фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти қуришнинг энг асосий вазифаларидан эканлиги кўрсатиб ўтилган. Зеро, булар жамиятда фуқаролар фаоллиги, миллий ўзлик, сиёсий маданият ва юксак маънавиятни ўстириш, уларда миллий ғурур, эркин тафаккур, ўз салоҳиятини юзага чиқариш, келажагини ўз қўли билан қуриш туйғусини шакллантиришга қаратилгандир.

Сенат қўмиталари томонидан ННТ фаолиятини янада ривожлантиришни кўзда тутувчи вазифалар ижросини юқорида кўрсатилган вилоятлар ва бошқа ҳудудларда ўрганиш шуни кўрсатдики, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида мустаҳкамланиб бормоқда. ННТ тузилмалари ривожи жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашда айни муддаодир. Зотан, жамиятда "учинчи сектор" вакиллари нуфузи ошиб борар экан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш воситасига айланади, кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятлар, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга туртки бўлади.

Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий, моддий шароитлар яратишга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ОАВ, журналистнинг профессионал фаолияти, ахборот олиш эркинликлари ва кафолатлари тўғрисидаги ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ҳам бу борада муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича Дастури қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Унда, жумладан, кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш чоралари, ННТ фаолиятини моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги ҳукумат ҳисоботини эшитиш чоғида Ўзбекистонда бу каби чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ қилингани, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ННТнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишдаги мустаҳкам ижтимоий шериклик самаралари айни зарурат эканлиги таъкидланган эди. Бу эса мамлакатимизда аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган мустақил ва барқарор фуқаролик жамияти институтлари изчил ривожланаётгани, уларнинг фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини кучайтиришдаги роли ошиб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ҳисобот эшитуви якунлари юзасидан қабул қилган Қўшма қарорида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ва сўзсиз бажаришда жойлардаги ижро этувчи органлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, бу борада, энг аввало, фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлидаги ижтимоий шерикликни босқичма-босқич кенгайтириш асосида самарали алоқаларни таъминлаш зарурлиги қайд этилган. Бу эса ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократлаштириш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича қўйилган стратегик мақсадларни рўёбга чиқаришига хизмат қилади, албатта. Шуларга уйғун тарзда мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Эркин РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

ТАЪЛИМ

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ КАСБ-ҲУНАР

Мамлакатимизнинг эртанги куни ҳар жиҳатдан баркамол, билимли ва зукко ёшларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли келажак авлод тарбияси давлатимизнинг доимий ғамхўрлигида. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!"

Бўка туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш жараёнида замонавий ва илғор услублар муваффақиятли қўлланилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

– Туманимиздаги 54 та умумий ўрта таълим мактабларида юқори педагогик маҳоратга эга 2048 ўқитувчи-мураббий 16 минг 748 ўқувчига билим бермоқда, – дейди халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Ойхўжа Холхўжаев. – Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини ошириш мақсадида 12 мингдан зиёд болалар ижара дарсликлари билан таъминланди. Эҳтиёжманд оилалардаги уч мингдан зиёд ўқувчи ҳам бепул дарсликлар олди. Шунингдек, мактаб остонасига эндигина қадам қўйган 16 мингдан кўпроқ 1-синф ўқувчилари учун ўқув қуроллар тўплами ва ўн турдан ортиқ дарсликлар ҳадя қилинди. Бир сўз билан айтганда, 97 фоиз ўқувчи дарслик билан тўлиқ таъминланди.

Таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш устувор вазифалардан бирига айлангани сабабли таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билим олиш ва ўз устиларида ишлашлари учун барча қулайликлар яратилди. 1, 7, 24, 47-умумий ўрта таълим мактаблари қошида 30 мингга яқин турли дарслик ва ўқув қўлланмалари, бадиий асарлар сақланаётган 4 та ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. WEB сайтлар очилди ва "ZiyoNET" ахборот тармоғига уланди. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун ҳар бир мактабда турли соҳаларга оид 20 га яқин тўгараклар ишлаб турибди.

Мактаб ёшидаги болаларнинг аксарияти ўйинқароқ бўлади. Уларнинг дарсга қизиқиши, фаол қатнашиши, уй вазифаларини вақтида тайёрлаши кўп ҳолларда ота-она қистови билан бўлади. Бундай вазиятда мураббий дарс жараёнида турли интерактив лойиҳаларни қўллаши ёки дарсни янгича услубда ўтиши тавсия қилинади. Бунинг учун ўқитувчилар қайсидир маънода ижодкор бўлиши керак. Тумандаги 6-мактаб инглиз тили ўқитувчиси Фаррух Қурбонқулов шундай истеъдодли ўқитувчилардан.

– Болаларни фанга, билим олишга қизиқтириш бошланғич таълимдан шакллантирилиши керак деб ўйлайман ва бунга асстойдил амал қиламан, – дейди у. – Шунинг учун дарс жараёнида замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни қўллайман. Турли кўргазмали қуроллар, дарсга оид санъат намуналаридан фойдаланаман. Бу эса ўқувчилар қалбида дарсга мойиллик, қизиқиш уйғотади. Шунда болалар топшириқларни вақтида адо этиб, янада кўпроқ билим олишга интилишади.

9-синф битирувчилари билан ишлаш, уларни хоҳиш-истакларига қараб, касб-ҳунарларга йўналтириш, дунёқарашларини янада кенгайтириш мақсадида корхона ва ташкилотларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Соҳанинг етук мутахассислари билан давра суҳбатлари ташкиллаштириляпти. Ўтган ўқув йилида умумтаълим мактабларини битирган 1757 бола бугун коллеж ва лицейларда ўқишни давом эттиряпти.

Хулоса ўрнида айтганда, туман таълим муассасаларида эртамиз эгалари давр талаблари даражасида тарбия олишаётир. Педагогик жамоалар нинг асосий мақсадлари ёшларни ҳар жиҳатдан билимли ва етук қилиб вояга етказишдан иборатдир.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Буюк Ипак йўли мамлакатлари маданий меросини асраш" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Бадиий академия, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Истиқлол йилларида бой тарихимизни ўрганиш, меъморий обидаларни тиклаш юзасидан кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу борада япониялик археолог олимлар билан биргаликда Сурхондарёнинг тарихий обидаларида амалга оширилаётган илмий экспедициялар, қазишма ишлари қадимшунослик, тарих, санъат ва маданият, миллий ҳунармандлик бўйича қимматли маълумотларга эга бўлиш имконини бермоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида қадимий топилмалар, кулолчилик ашёларини реставрация қилиш, уларнинг бирламчи кўринишини қайта тиклашга оид маҳорат сабоқларини ўтказиш яхши анъанага айланган.

– Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъатига Японияда қизиқиш катта, – дейди Япониянинг Комазава университети профессори, археолог олим Хироаки Фурушо. – Ўзбек олимлари билан бирга илмий экспедиция таркибида юртингиздаги Далварзинтепа, Кампиртепа каби ёдгорликлардаги археологик қазишмаларда иштирок этганман. Тадқиқотлар давомида мамлакатингиз жаҳон цивилизацияси марказларидан бири эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилганман.

Семинарда Ўзбекистондаги археологик топилмаларни асраб-авайлаш ва тиклашга оид маърузалар тингланди.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

"Art Week Style.uz – 2012" санъат ҳафталиги ва VI Тошкент халқаро фотобиеналеси доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида "Япония манзаралари – сирли Фудзияма" мавзуида фотокўргазма ташкил этилди. Кўргазманинг очилишида олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, фотоижодкорлар, санъат ихлосмандлари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

СИРЛИ ФУДЗИЯМА МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги мустаҳкам дўстона алоқалар барча йўналишларда бўлгани каби маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган санъат ҳафталиги доирасидаги тадбирларда Кунчиқар юрт ижодкорлари фаол қатнашмоқда. Бу томошабинларни Шарқ халқлари маданияти, замонавий санъати, миллий анъана ва қадриятларидаги уйғунлик, бетакрор табиат манзаралари билан атрофлича таништириш имконини бермоқда.

Япон фотоусталари Койо Окада ва Широ Ширахата суратларидан иборат кўргазма бунинг далилидир.

Баландлиги 3776 метрни ташкил этувчи Фудзияма тоғи пурвиқорлиги билан Кунчиқар юртнинг ифтихори, ўзига хос рамзига айланган. Айни пайтда у япон ижодкорлари, шоир ва ёзувчилари, мусаввир ва фотографларининг битмас-туганмас илҳом манбаидир. Кўргазмада Фудзияманинг йилнинг барча фасллари, об-ҳавонинг турли ҳолатларида тасвирга туширилган манзаралари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси тақроран қўйилмоқда: 1. 19.05.2008 й. № 2777-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч., "Москвич-412", д/р 11 V 6328. Бошланғич баҳоси – 598 534,05 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 25 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 2. 16.07.2012 й. № 11-1235/7302-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., "МТЗ-80,10", д/р 4161 ЕЛ. Бошланғич баҳоси – 29 544 000 сўм. "Саноатқурилишбанк" Қибрай филиалида сақланмоқда. Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 3. № 6992/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., "Ваз-21061", д/р 10 W 594 СА. Бошланғич баҳоси – 5 127 878 сўм. Зангиота тумани СИБда сақланмоқда. 4. № 228-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч., "Ваз 21011", д/р 10 М 223 АА. Бошланғич баҳоси – 2 188 000 сўм. "Бурхон Савдо" МЧЖда сақланмоқда. 5. № 40401-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., "Матиз", д/р 10 096 GAA. Бошланғич баҳоси – 13 697 000 сўм. Зангиота туман ИИБ ДЙХХБ жарима майдончасида сақланмоқда. Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 6. 27.07.2012 й. № 16686/1, 20.04.2012 й. № 304-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч., "Москвич-412 ИЭ", д/р 11 К 7764. Бошланғич баҳоси – 730 601 сўм. 7. 08.06.2012 й. № 14968/1, 04.04.2012 й. № 301-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., "Матиз", д/р 01 V 638 СА. Бошланғич баҳоси – 13 548 000 сўм. 8. 04.09.2012 й. № 17600/1, 24.07.2012 й. № 1-400-12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., "Нексия", д/р 01 Х 203 СА. Бошланғич баҳоси – 18 509 630 сўм. Автотранспорт воситалари "Янгийўл Савдо Барака Файз" МЧЖда сақланмоқда. 9. 09.01.2012 й. № 99/9, 18.11.2011 й. № 11-1670-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., "Нексия", д/р 10 М 823 АА. Бошланғич баҳоси – 22 091 000 сўм. Янгийўл туман Чирчиқ кўчаси, 1-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 12 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 12 ноябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 27 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Гувоҳнома № 004593.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан тақроран 09.03.2012 й. № 3883-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур кўчаси 20-уйда жойлашган кўчмас мулк "Ўзбекистон" кинотеатри. Бошланғич баҳоси – 816 140 962 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 25 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИР АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2012 йилнинг 9 ойлик ҳисоботларига аниқлик киритиш ҳамда банк бўлимидаги омонат жамғармангизни таққослаб кўриш мақсадида жойлардаги "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкининг филиалларига жорий йилнинг 20 октябригача ўзингиз билан шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ва омонат дафтарчаларингизни олиб келишингиз сўралади.

Тошкент вилояти филиали.
Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 3-А уй, тел.: 177-16-07, 250-74-25.

Оққўрғон филиали.
Манзил: Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 1-уй, тел.: (8-370) 55-21-812, 55-22-145.

Ғазалкент филиали.
Манзил: Ғазалкент шаҳри, Бўстон кўчаси, тел.: 177-28-29, (8-370) 74-20-206.

Келес филиали.
Манзил: Келес шаҳри, Бинокор кўчаси, 8-уй, тел.: 142-00-29, 177-07-40.

Пискент филиали.
Манзил: Пискент тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй, тел.: 123-38-73, (8-370) 54-52-509.

Паркент филиали.
Манзил: Паркент тумани, Алишер Навоий кўчаси, 105-А уй, тел.: (8-370) 72-23-474, 72-22-932.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган (СТИР 207134534, КТУТ 23915794, ХХТУТ 96190) "ASL-KRED MIKROKREDIT TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти 2012 йил 3 октябрдаги жамият таъсисчиларининг 2-сонли умумий йиғилиши қарорига асосан жамият фаолияти тугатилаётганлигини маълум қилади.

Ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган даъво ва эътирозлар Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темур шоҳкўчаси, 109-уй манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: (+99890) 936-92-00.

Утерянный имортный контракт № 003-UZB-TAS от 12.12.2010г., выданное ИП ООО "Textile Technologies Group",

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

"GOVXAR DAVR" хусусий корхонасининг устав фонди 1500000 сўмдан 610000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 206999338) "FOTON MAX SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 162 150 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 925-00-77.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 13.09.2012 йилда гувоҳнома № 0515205 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 491219998) якка тартибдаги тадбиркор "Хашимов Усмон Исмаилович"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор тууманида жойлашган "AvtoLine-Ideal Service" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "AvtoLine-Ideal Service" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади.

Утерянную гувохнома (патент) № 064879 от 01.10.2011г., и круглую печать, зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента на имя Шатировой Сары Раджабовны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ООО "SOF`YA FARM SERVIS", зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, дом 2-А, (ИНН 207153740), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 09.10.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 270-30-39.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Республика суд департаменти томонидан 03.02.2011 йилги ҳукмига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган "Шарқли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 AU 557 бўлган "Takuma BDA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 347 277 сўм. 2. 1999 йилда и/ч., дав. бел. 10 TH 482 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 649 488 сўм. 3. 2005 йилда и/ч., дав. бел. 10 BD 301 бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 33 747 277 сўм. 4. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 156 бўлган "HAFEI" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 547 277 сўм. 5. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 AU 705 бўлган "Цинци" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 34 747 277 сўм. 6. 1996 йилда и/ч., дав. бел. 10 AT 427 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 747 277 сўм. 7. 2002 йилда и/ч., дав. бел. 10 AP 697 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 547 277 сўм. 8. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 159 бўлган "HAFEI" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 800 000 сўм. 9. 2000 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 527 бўлган "Газ 3102" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 7 749 136 сўм. 10. 1999 йилда и/ч., дав. бел. 01 429 DAA бўлган "Нексия Сонс" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 748 920 сўм. 11. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BF 235 бўлган "BEIQI FOTON SHIDAJ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 616 640 сўм. 12. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 AU 678 бўлган "Фордленд Шидай BJ5033V31" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 616 640 сўм. 13. 1966 йилда и/ч., дав. бел. 10 W 2103 бўлган "Газ 21 Р" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 7 749 136 сўм. 14. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 166 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 15. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 183 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 16. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 216 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 17. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 164 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 18. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 175 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 19. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 231 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 20. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 235 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 21. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 226 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 22. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 169 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 500 000 сўм. 23. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 240 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 213 328 сўм. 24. 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 229 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 25. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 227 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 500 000 сўм. 26. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 218 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 167 660 сўм. 27. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BO 179 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 214 960 сўм. 28. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 237 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 29. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 165 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 30. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 239 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 280 сўм. 31. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 230 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 136 сўм. 32. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 174 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 249 136 сўм. 33. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 236 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 15 249 136 сўм.

Миробод туман СИБ томонидан 18.04.2012 йилги 1-973/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. 1988 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 594 АА бўлган "Камаз 5410" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 9 000 000 сўм. 2. 1988 йилда и/ч., дав. бел. 10 I 502 бўлган "ТЦ11М-1-20" русумли трикама ва яримтрикама автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 10 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 9 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар ушбу аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдолари 2012 йил 27 ноябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

Гувоҳнома № 006388.

ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Ярим финалда футболчиларимиз мусобақа мезбони – Эрон ўсмирлар терма жамоасини 3:2 ҳисобида маглуб этди.

Финалда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Япония вакилларига қарши майдонга чиқди. Ўйин рақиб жамоа учун омадли бошланиб, Такума Мизутани 6-дақиқада ҳисобни очди. Аммо ўсмирларимиз кучли ирода, катта спортчиларга хос характерни намойиш этиб, ташаббусни ўз қўлига олди. Иккинчи бўлимда Акобир Тўраевнинг голи эвазига ҳисоб тенглаштирилди.

Учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисобида якунлангач, ғолиб пенальтилар сериясида аниқланди. Унда 3:1 ҳисобида зафар қучган ўзбек футболчилари илк маротаба Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Шогирдларим бундай нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятни ҳис этган ҳолда, кўтаринки руҳ ва кучли иштиёқ билан тўп сурди, – дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев. – Улар бутун дунёга юртимизда жисмонан ва маънан етук баркамол авлод вояга етаётганини, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

– Биз Осиё чемпионатида зафар қучиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаш бахтига муяссар бўлганимиздан беҳад хурсандмиз, – дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори Отабек Шукуров. – Бу натижа билан тўхтаб қолмаймиз. Насиб қилса, келаси йили ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида ҳам муносиб қатнашиб, ўзбек футболининг юксак салоҳиятини бутун дунёга намойиш этамиз.

Осиё чемпиони бўлган ёш футболчиларимиз катта спорт сари илк залворли қадамини қўйди. Келажакда уларни янги мусобақалар, жиддий синовлар кутмоқда. Халқимиз эса ўз фарзандларига янада юксак зафарлар тилайди. Бугун мамлакатимизда ёш авлоднинг ўз орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун барча имконият ва шарт-шароит мавжудлиги бунга ишонч уйғотади.

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини қутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ФАРРОШЛИКМИ ёки ФОҲИШАЛИК?

Баднафсликнинг оқибатлари ҳақида жуда кўп ва хўп гапирамиз. Нафсига эрк берганларнинг қандай разилона ва жирканч ишларга қўл уришлари мумкинлигини ҳаётда кўп кўрамиз. Минг афсуски, гапирамиз ва кўрамизу, кўпчилигимиз ўзимиз учун тўғри хулоса чиқариб олмаймиз. Шунинг учун қилмишимиз оқибатида ўзимизга жабр қиламиз.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди биносида кўрилган ишнинг моҳиятини теран англаган киши нафс инсон учун энг катта душман эканини яна бир бор ҳис этади. Гулчеҳра Кўчқорова ва Юлдуз Тожибоева бир бурда нон билан тўядиган қоринларининг ғамини еб, қандай разил ишларга қўл уришганини билмай ҳам қолишган назаримизда. Акс ҳолда одам савдоси каби, бугун бутун дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган, миллионларнинг қарғишига учраётган бундай иллатнинг яқинига йўлашмасмиди...

Тергов ва суд жараёнларида аниқланишича, Гулчеҳра Кўчқорова онаси Муҳаббат Кўчқорова, синглиси Гулнора Мирсаъдиева, келини Юлдуз Тожибоева билан олдиндан жиноий тил бириктириб, аёлларни Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига "мўмай пул ишлаш" учун жўнатишган. Қандай юмуш билан шуғулланишини суриштирганларга эса кундалик маиший юмушлар, сотувчилик, фаррошлик каби ишларни рўкач қилишган.

Жиноятчи гуруҳ аъзоларининг вазифаси аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, Юлдуз Тожибоева аёлларни топиш билан шуғулланган ва уларни Гулчеҳра Кўчқоровага учраштирган. Ўз навбатида Гулчеҳра хорижга чиқувчиларнинг ҳужжатларини тўғрилаб, Тошкент халқаро аэропортидан Дубайга жўнатиб турган. Дубай шаҳри аэропортида эса жўнатилган аёлларни Гулнора Мирсаъдиева кутиб олган ва ётоқхона билан таъминлаган. Шундан кейин мўмай даромад илинжида улардан хоҳлаганча фойдаланиб, фоҳишалик қилишга мажбурлашган.

Гулноза Арслонова гуруҳнинг чангалига илинган ўлжалардан бирига айланди. Маълум бўлишича, Гулноза Юлдуз Тожибоеванинг жияни бўлган. Унинг моддий жиҳатдан қийналиб турганидан фойдаланиб қолишни мўлжаллаган Юлдуз ваъдани қуюқ қилди. Яъни, қайнонаси Гулчеҳра Кўчқорова ва унинг синглиси Гулнора Мирсаъдиеванинг Дубай шаҳрида дўконлари борлиги, унга фаррош кераклигини, ойига минг АҚШ доллари тўланишини айтиб, уни қизиқтириб қўйди.

Гулнозанинг розилигини олгач, уни Гулчеҳра Кўчқорова билан учраштирди. Гулчеҳра барча зарур ҳужжат, рухсатнома (виза)ни маълум муддатга тўғрилаб, боришкелиш учун самолёт чиптасига ҳам ўз ҳамёнидан сарфлади.

Шу тариқа 2011 йил 27 май куни мижоз Дубай шаҳрига учириб юборилди. Уни Гулнора кутиб олиб, ётоқхонага жойлаштирди. Гулноза Арслонованинг шаҳарга кўникиб олиши учун 3-4 кун тинч қўйди. Шундан кейин жиноятчилар ўзларининг асл мақсад ва қиёфаларини очдилар. Гулнора Гулнозани келган мижозларга қўшиб, фоҳишалик қилишга мажбурлади. Бундай жирканч ишдан бўйин товлагани учун эса қайтиш чиптасини олиб қўйди. Унинг руҳий тушкунлигидан фойдаланиб, жирканч ишга мажбурлади.

Гулноза Арслонова ўзига нисбатан қилинган адолатсизликка чидай олмай, 15 июнь куни Гулнора Мирсаъдиеванинг уйидан қочиб кетди. Ўша ерлик Мустафо Ақил Мохад исмли кишининг ёрдами билан ота-онасидан 10 йилу 6 ойга, Юлдуз Тожибоева эса 10 йилу бир ойга озодликдан маҳрум қилинадиган бўлди.

Гулноза Арслонова эса жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилди.

Ҳукм ўқилди, жазо белгиланди. Аммо баъзи бир мулоҳазалар кишига тинчлик бермайди. Хорижга бориб пул ишлашни хоҳловчилар наҳотки шу қадар лақма бўлишса? Одамларни эгри йўллар билан чет элга жўнатаётганлар ваъда қилинаётган ўша жарақ-жарақ пулларни ишлаб келиш учун нега ўзлари бормай, ўзгаларни юбораяптилар? Нима учун минг-минглаб "тайёр" долларларни ўзларига раво кўришмаяпти? Мўмай даромад деса, дунёнинг исталган мамлакатига қанот қоқиб учишга ҳозиру нозирларнинг наҳот бу тузоқ эканлигига фаросатлари етмаса? Бунинг учун ортиқча ақлнинг кераги йўққу ахир?!

Қолаверса, хорижга бориб ишлашни ният қилганлар учун ташқи миграция масалалари билан қонуний шуғулланувчи махсус ташкилот ишлаб турибди. Давлат ҳимоясида, кафолатли йўл билан ишлашга бориш бехавотир эканини наҳотки тушунишмаса?

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИГА ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари"га мувофиқ магистрал алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;

магистрал алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;

магистрал алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;

турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;

магистрал алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;

турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;

магистрал алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб алоқа кабелларини узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.



Эсда тутинг! Агарда Сизда магистрал алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг ҳудудий Боғламаларига ёки магистрал алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган Кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистрал алоқа линияларини эксплуатация қилувчи Боғламалар ва уларнинг Кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:

"ТТТ" филиали Бириичи боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов кўчаси, 29. Тел.: (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00-17.00).

Биринчн линия кабель цехи, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 264. Тел.: (8-371) 265-80-43 (8.00-17.00), (8-371) 155-27-20.

Иккинчи линия кабель цехи, Янгийўл ш., Чарикова кўчаси, 172. Тел.: (8-371) 250-37-45 (8.00-17.00).

Тошкент шаҳар кабель участкаси, Хуштепа 4-тор кўчаси, 4. Тел.: (8-595) 199-19-31.

Пахта кабель участкаси, Чиноз тумани, Серсен кўчаси, 30. Тел.: (8-595) 199-19-32.

Учинчи линия кабель цехи, Тўйтепа ш., Спорт кўчаси, 45. Тел.: (8-595) 199-19-36, (8-370) 762-11-21 (8.00-17.00).

Ангрен шаҳар кабель участкаси, А. Темур кўчаси. Тел.: (8-593) 370-38-89.

Бекобод шаҳар кабель участкаси, Х. Ходжимурадов 2-берк кўча, 18-А. Тел.: (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61, (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11.

XXI аср ва ДУНЁ

ЧАВЕС САЙЛОВДА ЮТИБ ЧИҚДИ

AFP агентлиги тарқатган хабарда маълум қилинишича, Венесуэланинг амалдаги президенти Уго Чавес президент сайловида ғолиб чиққанини эълон қилди.

Дастлабки ҳисоб-китоб, яъни 90 фоиз овоз натижаларига кўра, сайловчиларнинг 54,42 фоизи Чавес учун овоз берди. Унинг асосий рақиби Энрике Каприлес 44,97 фоиз овоз олди. Овоз беришнинг якуний натижаси ҳали номаълум бўлсада, Энрике Каприлес Чавесни ғалаба билан табриклади.

Мамлакат ҳудудида жами 13,6 мингта сайлов участкаси фаолият кўрсатди. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 80,94 фоизи сайловда иштирок этди. Овоз бериш 7 октябрь куни маҳаллий вақт билан соат 18 да тўхтатилиши лозим эди. Аммо участкаларда сайловчиларнинг навбати узайиб кетгани боис, овоз бериш бирмунча кеч якунланди. Мамлакат марказий сайлов комиссияси вакилларининг таъкидлашларича, овоз бериш тинч ва осийишта кечди.

Агар сайлов натижалари тасдиқланса, бу Уго Чавеснинг президент сайловларидаги кетма-кет учинчи ғалабаси бўлади. 1999 йилдан мамлакатни бошқариб келаётган Чавес бундан буён ҳам социалистик йўналишга амал қилиш ниятида. Мухолифатдан ягона номзод, Миранда штати губернатори Каприлес эса ҳозирги мамлакат етакчисига қараганда, мослашувчан сиёсат юритишни ваъда қилаяпти.

ИСРОИЛ ҒАЗО СЕКТОРИГА ЗАРБА БЕРДИ

Ўтган якшанба куни Исроилнинг ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо сектори ҳудудига зарба бергани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Жанубдаги Рафах шаҳрида мўлжалга аниқ зарба берилгани натижасида ўн киши, шу жумладан, уч нафар бола жароҳатланди. "Глобал жиҳод" салафит гуруҳининг юқори мансабли жангарилари бўлган икки ярадор оғир аҳволда шифохонага ётқизилди.

Исроил ҳарбийлари ушбу ҳужумни тасдиқлаб, оғир яраланган жангариларни мўлжалга олиш асл мақсадлари бўлганини таъкидладилар. Исроилнинг маълумотларига қараганда, шу йилнинг июнида яҳудийлар давлатига Ғазо секторидан ракета зарбаси бериш ҳамда ҳужум уюштиришда айнан улар иштирок этганлар. Ўша тадбир натижасида исроиллик фуқаро ўлдирилган эди.

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо сектори ҳудудига мунтазам авиазарбалар бермоқда. Бундай ҳужумлар чоғида асосан айрим Фаластин жангарилари, ҳарбий объектлар ва қурол-аслаҳа омборлари нишонга олинмоқда. Бундай авиазарбалар кўпинча, Ғазо секторидан Исроил ҳудудини ракетадан ўққа тутилишига жавобан берилмоқда.

МУХОЛИФАТ ЕТАКЧИСИ ОЗОДЛИКДА

Reuters агентлигининг хабар беришича, Куба ҳукумати таниқли Generation Y мухолифатчи блог етакчиси Йоани Санчесни озод қилди.

Ушбу журналист аёл 4 октябрь куни Баямо шаҳрида эри Рейнальдо Эскобар ҳамда бир неча кубалик мухолифатчи блогер билан бирга ушланган эди. Ҳукумат тасарруфидаги оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, Санчеснинг испаниялик Анхел Карромеро устидан ўтказилаётган суд жараёнида "фитна ҳамда медиашоу" уюштириш ниятида эканлиги унинг ҳибсга олинишига сабаб бўлди. Карромеро кубалик фаол мухолифатчи Освальд Пайини йўл ҳаракати ҳодисаси туфайли беихтиёр ўлдирилишида айбланаётган эди. Прокурорлар Карромерога етти йил қамоқ жазоси беришини талаб қилдилар.

Йоани Санчеснинг ҳикоя қилишича, у бир кеча-кундуз ҳибсда бўлган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари уни бир неча соат тергов қилиб, жиноий таъқиб уюштириш билан қўрқитишди. Бироқ, ҳеч қандай айб қўёлмай, озод қилишга мажбур бўлиб, Гаванадаги уйига олиб бориб қўйишди.

Мухолифатчи бу аёл нафақат Куба, балки бошқа мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур. Унинг ҳукумат сиёсатини танқид қилувчи Generation Y блоги халқаро журналистлар мукофотига сазовор бўлган, аммо унга мукофотни қабул қилиб олиш учун мамлакатдан четга чиқишга рухсат берилмади. АҚШ давлат департаменти вакили Санчеснинг қамоққа олишганини қоралади.

УЧТА ВЕРТОЛЁТ ЁҚИБ ЮБОРИЛДИ

BBC News берган хабарга кўра, "Порлоқ йўл" сўл радикал гуруҳ исёнчилари Перунинг Куско вилоятидаги Китени шаҳри аэродромида учта вертолётни ёқиб юборишди.

Исёнчилар аэродромга эрта тонгда ҳужум қилдилар. Аммо, ҳеч ким жабр кўрмади. Ёниб кетган вертолётлар газ қазиб чиқарувчи хусусий компанияга қарашли эди. Исёнчилар нима учун айнан газ консорциуми вертолётларини нишонга олишгани охиригача маълум эмас. BBC Newsнинг таъкидлашича, маҳаллий матбуот исёнчилар аввал аэродром яқинидаги ҳарбий патрулга ҳужум қилишни режалаштиришгани, бироқ буни уддалай олмай, учиш майдонини мўлжалга олишганини тахмин қилмоқда.

1960 йилнинг бошларида асос солинган "Порлоқ йўл" гуруҳи аъзолари радикал маоизм ғояларига мойил бўлиб, 1980 йилда ҳукуматга қарши кураш бошладилар. Дастлабки йилларда гуруҳ Перунинг бир қанча туманларини ўз назоратига олишга муваффақ бўлди. Аммо, 1990 йилларда ҳукумат гуруҳнинг бир қатор етакчиларини қўлга олиб, унинг таъсирини анча сусайтиришга эришди.

Ҳозирги кунда "Порлоқ йўл" таркиби бир неча юз жангарилардан иборат. Исёнчилар асосан мамлакатнинг олис чекка ларида полиция ҳамда ҳарбийларга қарши айрим акциялар уюштириш билан кифояланмоқдалар. Уларнинг асосий моддий манбалари кокаин контрабандаси ва одам ўғирлашдан иборат.

КОМАНДИРЛАРИНИ ЎЛДИРИБ ҚОЧДИ

Шимолий кореялик аскар икки командирини ўлдириб, Жанубий Кореяга қочиб кетди. AFP агентлиги Жанубий Корея мудофаа вазирлиги вакилининг гапига таяниб шу хабарни тарқатди.

Бироқ, ушбу ҳодиса КХДР томонидан ҳали тасдиқланган йўқ. Associated Pressнинг маълумотларига қараганда, ушбу ҳодиса Корея яриморолини иккига ажратиб турувчи тинчлик ҳолатига ўтказилган зонанинг шарқий томонида юз берди. Аскар қочиш олдидан ўзининг взвод ва рота командирларини отиб ташлади. Қочоқнинг исми ошкор қилинмаяпти. Ҳозир у соқчилар назоратида.

Шимолий кореялик аскарларнинг хизматдан бундай бош тортиш ҳоллари камдан-кам учрайди. Шунга ўхшаш ҳодиса охирги марта 2008 йилда қайд этилган эди. 2011 йилда КХДР фуқароси ҳам қуруқликдаги чегара орқали Жанубий Кореяга қочиб ўтган эди. Жанубий Кореяни хоҳловчи аҳоли айланма йўлларни афзал билади. Масалан, аввал Хитой ёки бирорта Жануби-Шарқий мамлакатга йўл олишади. Кореяни иккига бўлиб юборган 1950-1953 йиллардаги корейс урушидан сўнг КХДРнинг 24 мингдан зиёд аҳолиси Жанубий Кореяга қочиб ўтди.

ТЕРРОРЧИ ОТИБ ТАШЛАНДИ

Франциянинг Страсбург шаҳри полицияси террорчилик фаолияти билан шуғулланишда гумон қилинаётган шахсни отишмалар жараёнида ўлдиришга муваффақ бўлди.

Reutersнинг ёзишича, воқеа Страсбург, Ницца, Канн, Париж шаҳарлари ва улар яқинида ўтказилган террорчиликка қарши рейд чоғида юз берди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари гумондорнинг хонадонига ҳужум қилдилар. Натижада террорчи уларга қарши ўқ узди ва уч полициячини енгил жароҳатлади, деб ёзади AFP агентлиги. Террорчи полициячиларнинг жавоб ўқидан ҳалок бўлди.

Ушбу махсус операция Париж яқинидаги Сарселда яҳудийларнинг супермаркетига бўлган ҳужумни тергов қилиш иши доирасида уюштирилди. Икки номаълум шахс дўконга граната ташлаб, бир кишини ярадор қилган эди. Бу ҳол маҳаллий яҳудий аҳоли ўртасида катта норозилик шов-шувига сабаб бўлди.

Reuters маълумотларига қараганда, махсус операция чоғида Париж яқинида яна бир гумондор қўлга олинди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1042. Адади 6906. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20. 12345